

## ГЛОБАЛЛАШУВ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Қдырбаев Қ.М. -

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти»  
МТУ таянч докторанти



<https://doi.org/10.34920/fvh/2023-1/046>

Ҳар бир миллат, халқ, ўзининг асрлар давомида шаклланган азалий урф-одатлари, маданияти ва миллий қадриятларига эга. Бугунги глобаллашув ва ахборот хуружи кенг тарқалган даврда, авлоддан-авлодга ворис сифатида етиб келаётган бу каби қадриятларни келжак авлодга етказиб бериш хозирги куннинг долзарб бир вазифасига айланимоқда.

Барчамизга аёнки, XXI аср дунё ҳодисасида феноменал ўзгаришларга бой воқелик сифатида номоён бўлмоқда. Илмий-техникавий, технологик ва иқтисодий ривожланиш шу даражада тараққий топдики, биз буни инсоният тарихидаги эришилган мисли кўрилмаган «мўжиза» дейишимиз мумкин. Натижада ахборот ижтимоий-иқтисодий, технологик ва маданий тараққиётнинг муҳим омилига айланди. Айни дамда эса унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти шак-шубҳасиз тобора ортиб бармоқда.

Ахборот назариясининг асосчиларидан бири бўлган Америкалик муҳандис олим К.Шеннон ахборот тушинчасига «ойдинлашган мавҳумлик», - дея тариф беради. Бунинг маъноси шундаки, инсон ахборотни қабул қилиши натижасида илгари ўзи учун мавҳум бўлган нарсаларни англайди ва янги билимлар билан танишади.

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам борки, айнан бугунги глобаллашув даврида бу каби ўзгаришларнинг рўй бериши муайян даражада маънавий-ахлоқий инқирозни келтириб чиқармаяпдими? Маълум бир миллат, элат ёки халқларга хос бўлган маданиятларнинг емирилиши ёхуд асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ворис бўлиб келаётган қадриятларнинг топталишига, уларнинг йўқ бўлишига олиб келмайдими? Умуман бу каби масалалар умуминсоний қадриятлар доирасига ва миллий қадриятларимизнинг андозаларига нечоғлик мос келади?

Глобаллашув жараёнларининг бугунги кунда умуминсоний қадриятларга салбий таъсирини инобатга олган ҳолда рус олими В.Л.Иноземцев шундай ёзади: «Глобаллашув, аслини олганда, кўкларга кўтариб макталаётган умуминсоний қадриятларга таянувчи ягона тамаддуннинг шаклланиш жараёнини эмас, балки мутлақо ўзга ҳолатни – жамиятнинг ғарбона моделининг экспансиясини ва дунёнинг ана шу моделга мослашишини ифодалайди». [2,104] Жаҳондаги кўплаб олимлар томонидан «ахборот неокOLONиализми», «ахборот урушлари», «маданий империализм», «маданий гегемония», «ахборот экспансияси» каби атамаларнинг тез-тез қўлланилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Демак бу жараённи биз маданиятнинг емирилиши, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг йўққа чиқиши, умуман қадриятларнинг парчаланиши дейишимиз мумкин.

Америкалик таниқли файласуф ва сиёсий шарҳловчи П.Ж.Бьюкенен «Ғарбнинг ҳалокати» китобида ўз юртининг (ва умуман Ғарб дунёсининг) таназзулини аввало, маданиятнинг емирилаётгани, азалий урф-одатларнинг йўқолаётгани, асрлар давомида эъзозлаб келинган қадриятларнинг топталаётгани билан боғлайди ва бундай ишларнинг тепасида турган «маданий инқилобчилар»ни «замонамиз толибонлари» деб атади. [3]

Ҳақиқатдан ҳам биз буни бугунги кунда Ғарб дунёсида азалий қадрият сифатида шаклланган ва эъзозланиб келинган оила қадрияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ғарб мамлакатларида ўтган асрнинг бошларида феминизм ғоясига урғу берилди ва бу ғоя XXI аср бошларига келиб ғоят кучли ижтимоий ҳаракатга айланди. Масалан, ашаддий феминист аёллардан бири Ш.Кронин « Jewish world review» журналининг 2000 йил феврал сонидида чоп этилган мақоласида оила-никоҳ масаласи ҳақида тўхталиб, бундай деб ёзади: «Никоҳ бу - кулликнинг бир шаклидир. Шундай экан, аёллар ҳаракати ана шу институтга қарши йўналтирилиши зарур. Негаки, никоҳ барҳам топмаган жамиятда аёлларнинг озод этилишига умид қилиш хомхаёлдир». [4]

Афсуски, бу ва шунга ухшаш ғояларнинг тарғиб этилиши натижасида «оила» қадрияти ғарб дунёсида инқирозга юз туганган, айнан бугунги кунда барча динларда қораланган, маънавий-ахлоқий қарашларга, умуминсоний қадриятларга зид келувчи оиланинг ноанъанавий шакллари ғарб дунёсида пайдо бўлмоқда ва кенг тарқалмоқда.

Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг турли халқларнинг нафақат моддий-маданий ёдгорликларини сақлаш, балки уларнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари каби номоддий маданиятини ҳам асраб-авайлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас албатта.

Ҳар бир миллат ва халқ кенг маънода ўзларининг ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик идеалларига эга ва бу идеаллар бирлашиб шу миллатнинг, халқнинг муайян даражадаги кадриятлар тизимини ўзида мужассам этади. Инсон онгли мавжудод сифатида ҳар қачон ушбу кадриятлар тизимини асраб-авайлаши ва ўзининг миллий маданий-маънавий илдизларини сақлаб келажак авлодга етказиб беришга интилилган. Афсуски, ғарб либосидаги оммавий маданият интервенцияси юз бераётган, асл умуминсоний кадриятларга зид келувчи, тубан кадриятларнинг ҳар қандай кўринишдаги ғоялари кенг тарқалаётган ҳозирги кунда ушбу кадрият омилининг ўрни ниҳоятта катта аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўли учун ишлаб чиқилган ва бугунги кунда босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётган тараққиёт моделларимизда, хусусан, «ҳаракатлар стратегияси» ва «тараққиёт стратегияси»да ҳам айнан кадриятлар омилига бениҳоят катта аҳамият қаратилмоқда.

«Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қояр эканмиз, энг аввало жамиятда миллий тарбия анъаналари ва кадриятларни тиклаш, оила институтини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, замонавий оила маънавияти мезонларини жорий этишга қаратилган фундаментал натижаларни ҳаётга татбиқ этиш бугунги куннинг асосий вазифаси сифатида номоён бўлмоқда.

Шу сабабдан ҳам давлатимизда «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси» қабул қилинди. Концепциянинг моҳияти шундан иборатки, ижтимоий-маънавий муҳитимизнинг асосий бугунги бўлмиш кадриятларимизни сақлаш, унга зид бўлган турли кўринишдаги маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши ёшлар онгида муайян даражада иммунитетни шакллантириш, ёшларнинг онгида Ватанга, миллий анъаналаримиз ва кадриятларимизга садоқат каби муқаддас туйғуни ошириш, халқимизнинг келажаги учун суянч ва таянч бўладиган комил инсонни вояга етказишдан иборатдир.

Ҳар қандай кадрият ўзининг узоқ тарихий ўтмишига, ижтимоий фалсафий асосларига эга. Улар инсоннинг инсон бўлиб яралиши, улар орасидаги алоқаларнинг бир бутун тизими яъни жамиятнинг пайдо бўлиши билан шаклланиб, ижтимоий воқеликнинг ўзига хос феномени сифатида номоён бўла бошлади. Маълум нуқтайи назардан инсон кадриятларни, кадриятлар тизимининг муайян қонунларини яратди, энди кадрият хусусиятлари инсонни инсон сифатида номоён қилиб турмоқда. Зеро, кадриятсиз инсон, ўзининг инсонлик хусусиятидан ҳам айрилади.

Инсоният ҳаётининг ҳар бир даври ўзига хос кадриятлар ва кадриятлар тизимига эга бўлиши билан фарқланиб туради. Бу жараён, маълум бир давлат, маълум бир миллат тарихида катта аҳамиятга эга бўлиб ривожланишнинг умумий қонунияти сифатида эътироф этилади.

Тўғри, давр алмашинуви билан кадриятлар тизимида ҳам замон реалликларига мослашув жараёни кузатилиди. Буни ҳар қандай миллат тарихи, унинг ўтмиши ва бугуни мисолида кўришимиз, унга бир қанча далиллар келтиришимиз мумкин.

Бу каби масалалар ўтмишда ва ҳозирги замонда ҳам мутафаккирларни, алломаларни ва олимларни қизиқтириб, уларнинг диққатини ўзига тортиб келган. Бу бўйича турли ёндашувлар шаклланган, назариялар яратилган.

Бу борада тўпланган билимларни ўрганиш, уларни ўзлаштириш, кадриятлар тизимига боғлиқ бўлган ва ҳозирги кунда долзарб ҳисобланган масалаларни ўрганишга, бу бўйича илмий тафаккурнинг шаклланишига ёрдам беради.

Хулоса шуки, глобаллашув, глобал маданият кенг тарқалаётган ҳозирги даврда миллий ва умуминсоний кадриятларни асраш, ёшлар онгида ҳар қандай мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, умуман жамиятимизда комил инсонни вояга етказишда: «маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир». [1,15]

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Мирзиёев. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.: Ўзбекистон. 2017. – 320 б.
2. М.Б.Қурбонова «Глобаллашув жараёнлари ва ғоявий-мафкуравий хавфсизлик масалалари» *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2021.
3. П.Ж.Бьюкененнинг мазкур китобидан айрим лавҳалар Б.Умаров томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва «Жаҳон адабиёти» журналининг 2007 йил 1, 2-сонларида чоп этилди.
4. «Тафаккур» журналининг 2007 йил, 2-сони.

**РЕЗЮМЕ:**

Мазкур мақолада бугунги кунда глобаллашув жараёнларининг кенг тарқалиши, унинг миллий ва умуминсоний қадриятларга тасири ижтимоий-фалсафий жиҳатдан талқин қилинди. Республикамиз ва хориж олимларининг мавзуга доир асарлари методологик манба сифатида белгиланди.

**Калит сўзлар:** Қадрият, миллий ва умуминсоний қадриятлар, глобаллашув, глобал маданият, маданий империализм.

**РЕЗЮМЕ:**

В данной статье с социально-философской точки зрения осмыслено современное широкое распространение процессов глобализации, ее влияние на национальные и общечеловеческие ценности. В качестве методических источников были обозначены работы наших республиканских и зарубежных ученых по данной тематике.

**Ключевые слова:** Ценность, национальные и общечеловеческие ценности, глобализация, глобальная культура, культурный империализм.

**RESUME:**

In this article, from a socio-philosophical point of view, the modern widespread processes of globalization, its impact on national and universal values are comprehended. The works of our republican and foreign scientists on this topic were designated as methodological sources.

**Key words:** Value, national and universal values, globalization, global culture, cultural imperialism.